



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 12 » dekabr

№ 703

Toshkent sh.

Қашқадарё вилояти тажрибаси асосида сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар йилдан-йилга чуқурлашиб, бугунги кунда агрокластерлар ижара ҳуқуқи асосида берилган **34,5 минг гектар**, шунингдек, фьючерс шартномаси асосида **258,7 минг гектар** майдонда фаолият кўрсатиб, уларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги ўрни ортиб бормоқда.

Вилоятда сув ресурсларини самарали бошқариш жараёнига агрокластерлар даромадининг бир қисми ажратилиб, сув хўжалиги объектлари давлат-хусусий шериклик асосида бошқаришга берилмоқда, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш, сувни бошқариш, унинг ҳисоби ва ҳисоботини замонавий технологиялар асосида юритиш йўлга қўйилмоқда, шунингдек, сув таъминоти оғир бўлган ҳудудлардаги носоз ва яроқсиз лотокли ва бошқа суғориш тармоқлари ўрнига қувурли суғориш тармоғи ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, республикада сув ресурсларини бошқариш, унинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш жараёнига хусусий секторни жалб қилиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Сув ресурсларини самарали бошқариш, уларнинг ҳисоби ва ҳисоботини замонавий технологиялар асосида юритиш ҳамда сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқаришга хусусий сектор даромадининг бир қисмини ажратишда Қашқадарё вилояти тажрибасини кенг жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликларининг агрокластерлар ҳудудидаги:

давлат сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш натижалари бўйича Сув хўжалиги вазирлиги ва агрокластер ўртасида тузиладиган битим тузган ҳолда бошқарувга бериш;

барча ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини ернинг ижара муддатига мос даврга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликларининг қарорлари билан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида мақсадли фойдаланишга бериш орқали уларни сақлаш, таъмирлаш-тиклаш, реконструкция ва модернизация қилиш ишларини агрокластерлар маблағининг бир қисмини жалб қилган ҳолда амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

Агрокластерларга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ернинг ижара муддатига мос даврга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида бошқарувга бериладиган давлат сув хўжалиги объектларининг асосий кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

Агрокластерларга ернинг ижара муддатига мос даврга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг қарорига мувофиқ текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида мақсадли фойдаланиш учун бериладиган ички суғориш ҳамда коллектор-дренаж тармоқларининг асосий кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

Агрокластерларга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ернинг ижара муддатига мос даврга бошқарувга бериладиган давлат ирригация тизими каналларида сув сарфини онлайн мониторинг қилиш ва масофадан бошқариш тизимини жорий қилиш прогноз кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

Давлат сув хўжалиги объектларини агрокластерларга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ернинг ижара муддатига мос даврга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида бошқарувга бериш бўйича “йўл харитаси” 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Сув хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда мазкур қарорга 1-иловада назарда тутилган давлат сув хўжалиги объектларини объектлар кесимида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида агрокластерлар бошқарувига бериш бўйича ҳудудий “йўл хариталари”ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси билан биргаликда мазкур қарорга 2-иловада назарда

тутилган ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари тегишли қарорлар билан ернинг ижара муддатига мос даврга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида мақсадли фойдаланиш учун **уч ой муддатда агрокластерларга берилишини таъминласин.**

5. Белгилансинки:

а) ушбу қарор қабул қилинганга қадар давлат-хусусий шериклик битимлари асосида агрокластерлар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига бошқарувга берилган, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилган давлат сув хўжалиги объектлари тузилган битим **ёки шартнома шартлари асосида улар томонидан мақсадли фойдаланилади;**

б) агрокластерлар:

ички сув хўжалиги хизматини ташкил қилган ҳолда, мазкур қарорга мувофиқ давлат-хусусий шериклик шартлари асосида берилган давлат сув хўжалиги объектларини самарали бошқариш, шунингдек, **ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларидан мақсадли фойдаланиш**, уларни ўз вақтида таъмирлаш-тиклаш, босқичма-босқич реконструкция ва модернизация қилиш ҳамда техник соз ҳолатда сақлаш, сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш, замонавий технологиялар асосида сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, ажратилган сув олиш лимити доирасида берилган сувдан оқилона фойдаланишни ташкил қилади;

бошқарувга берилган давлат сув хўжалиги объектларига ва мақсадли фойдаланиш учун берилган ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларига боғланган суғориладиган ер майдонларида фаолият юритаётган **қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ҳамда томорқа ер эгаларини** ажратилган сув олиш лимити доирасида сув етказиб бериш, шунингдек, бошқа сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш бўйича тузиладиган шартнома ва келишилган тўлов асосида **сув билан ишончли таъминлайди;**

бошқарувга берилган давлат сув хўжалиги объектлари ва мақсадли фойдаланиш учун берилган ички суғориш ҳамда коллектор-дренаж тармоқларини ўз маблағлари ҳисобидан **реконструкция ва модернизация қилиш ишларини Сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий органлари билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда амалга оширади;**

бошқарувга берилган давлат сув хўжалиги объектларини ва мақсадли фойдаланиш учун берилган ички суғориш ҳамда коллектор-дренаж тармоқларини ўзбошимчалик билан бузиш, кўмиб ташлаш, реконструкция қилиш ва модернизация қилиш, бош сув олиш жойларини белгилашга йўл қўйилмайди.

6. Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

хизмат кўрсатувчи сув хўжалиги ташкилотлари томонидан **ҳар йили 1 октябрга қадар** ҳар бир агрокластерга келгуси суғориш мавсуми учун экинларни оқилона жойлаштириш ва сув ресурсининг кутилаётган захирасини эътиборга олган ҳолда **сув олиш лимитини ажратади ҳамда сув истеъмоли шартномаларини расмийлаштиришни ташкил қилади;**

хизмат кўрсатувчи сув хўжалиги ташкилотлари томонидан ажратилган сув олиш лимитлари доирасида агрокластерларга шартнома асосида **сув етказиб берилишини таъминлайди.**

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари агрокластерларга бошқарувга берилган давлат сув хўжалиги объектларини ҳамда мақсадли фойдаланиш учун берилган ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш-тиклаш, реконструкция ва модернизация қилиш, сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини замонавий технологиялар асосида юритиш бўйича чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш, шунингдек, ички сув хўжалиги хизматини ташкил қилиш учун агрокластерлар маблағларининг бир қисмини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрияларини, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағларни белгиланган тартибда **йўналтиришни ташкил қилсин.**

Бунда, агрокластерлар ҳисобот йилидан олдинги йил **соф фойдасининг 2 фоиздан кам бўлмаган қисмини** ҳисобот йилида мазкур бандда санаб ўтилган мақсадларга йўналтириши тавсия этилсин.

8. Сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **ҳар йили 1 декабрга қадар** ҳар бир агрокластер томонидан уларга бошқарувга берилган давлат сув хўжалиги объектларини ва мақсадли фойдаланиш учун берилган ички суғориш ҳамда коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш-тиклаш, реконструкция ва модернизация қилиш, сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини замонавий технологиялар асосида юритиш бўйича **чора-тадбирлар дастурининг тасдиқланишини** ташкил қилсин ҳамда ижроси юзасидан тизимли мониторинг юритсин.

9. Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда белгиланган тартибда:

сув тўғрисидаги қонунчилик, шу жумладан, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибига қатъий риоя этилиши устидан;

сув истеъмоли бўйича **шартномавий мажбуриятлар ижроси юзасидан тизимли назорат ўрнатсин** ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил " 12 " декабрдаги 703-сон қарорига
1-илова

**Агрокластерларга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ернинг ижара муддатига мос даврга
текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида бошқарувга бериладиган давлат сув хўжалиги объектларининг
АСОСИЙ КўРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Туманлар номи	Давлат сув хўжалиги объектлари			
		каналлар, км	коллектор-дренаж тармоқлари, км	насос станциялари, та	вертикал суғориш кудуклари, та
РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА ЖАМИ		1 920	19 154	66	108
Қорақалпоғистон Республикаси					
1	Тўрткўл		313		
2	Беруний		224		
3	Элликқалъа		160		
4	Амударё		279		
5	Хўжайли		150	1	
6	Тахиатош	5	26		
7	Шуманай	143	146		
8	Қонлиқўл	72	167	3	
9	Кўнғирот	204	146		
10	Мўйноқ	40			
11	Кегейли		124		
12	Чимбой		248		
13	Қораўзак		108		
14	Тахтақўпир		168	1	
Жами		463	2 258	5	
Андижон вилояти					
1	Андижон	14	44	1	
2	Балиқчи		355		
3	Булоқбоши		80		
4	Бўстон	7	235		
5	Жалақудуқ		183		

Т/р	Туманлар номи	Давлат сув хўжалиги объектлари			
		каналлар, км	коллектор-дренаж тармоқлари, км	насос станциялари, та	вертикал суғориш кудуклари, та
6	Избоскан	3	201		
7	Улуғнор	1	257		
8	Олтинқўл		200		
9	Марҳамат	9	203	3	
10	Пахтаобод		53		
11	Хўжаобод	122	12	1	
12	Шаҳрихон	21	184		
13	Кўрғонтепа	7	59		
Жами		182	2 065	5	
Бухоро вилояти					
1	Бухоро		255		
2	Вобкент	183	122		
3	Жондор		382		
4	Когон		260		
5	Қорақўл		333		
6	Қоровулбозор		132		
7	Олот	72	68	4	
8	Пешку		69	3	
9	Ромитан		200		
10	Шофиркон		289		
11	Ғиждувон	153	125		
Жами		407	2 235	7	
Жиззах вилояти					
1	Ш.Рашидов				45
2	Дўстлик	7			
3	Пахтакор	42			
Жами		49			45
Қашқадарё вилояти					
1	Чирокчи		23		
2	Яккабоғ		43		

Т/р	Туманлар номи	Давлат сув хўжалиги объектлари			
		каналлар, км	коллектор-дренаж тармоқлари, км	насос станциялари, та	вертикал суғориш қудуқлари, та
3	Ғузор		303		
4	Касби		67		
5	Косон		654		
6	Қамаши		191	2	
7	Қарши		332	2	
8	Муборак		199		
9	Миришкор		208		
10	Нишон		387		
11	Дехқонобод				
Жами			2 407	4	
Навоий вилояти					
1	Конимех	23	126		
2	Навбаҳор	71	184		
3	Хатирчи		201	2	
4	Кармана	123	189		
5	Кизилтепа	159	374		
Жами		376	1 073	2	
Наманган вилояти					
1	Мингбулоқ		497		
2	Косонсой		4		
3	Наманган		249		
4	Тўрақўрғон		40	1	
5	Чуст		202		
6	Норин		204		
7	Уйчи		179	2	
8	Учқўрғон		21		
9	Чортоқ		61		
10	Янгиқўрғон				10
Жами			1 456	3	10

Т/р	Туманлар номи	Давлат сув хўжалиги объектлари			
		каналлар, км	коллектор-дренаж тармоқлари, км	насос станциялари, та	вертикал суғориш кудуклари, та
Самарқанд вилояти					
1	Жонбой		28		
2	Иштихон		219		5
3	Каттакўрғон		149		1
4	Пахтачи		81		
5	Пайарик		129		
6	Пастдарғом		117		
7	Оқдарё		35		1
8	Нуробод		33		
	Жами		789		7
Сурхондарё вилояти					
1	Ангор		13		
2	Бандихон		78		
3	Жарқўрғон		65	2	
4	Қизирик		7		
5	Қумқўрғон		27	2	
6	Музработ		55	1	
7	Олтинсой			2	
8	Сариосиё		5		
9	Узун		27		
10	Шўрчи		32	1	
	Жами		309	8	
Сирдарё вилояти					
1	Мирзаобод	19		1	
2	Сардоба	6	22	3	
3	Сирдарё	26	176	3	
4	Сайхунобод	5	195	1	
5	Оқолтин	6			
6	Боёвут		219		
7	Гулистон		251		

Т/р	Туманлар номи	Давлат сув хўжалиги объектлари			
		каналлар, км	коллектор-дренаж тармоқлари, км	насос станциялари, та	вертикал суғориш қудуқлари, та
8	Ховос		136		
	Жами	62	999	8	
Тошкент вилояти					
1	Бўка	56	327	3	
2	Бекобод	108	144	14	
3	Оққўрғон	43	46		
4	Чиноз	131			
5	Ўртачирчиқ	43	250		
6	Пискент		85		
7	Юқоричирчиқ		141		
	Жами	381	993	17	
Фарғона вилояти					
1	Бешариқ		333		
2	Боғдод		287		
3	Бувайда		133		
4	Данғара		283	1	
5	Ёзёвон		268		
6	Қува		224		
7	Олтиариқ		211		
8	Қўштепа		217		
9	Риштон		178	1	
10	Тошлоқ		115		
11	Ўзбекистон		64		
12	Учкўприк		224		
13	Фарғона		36		46
	Жами		2 571	2	46
Хоразм вилояти					
1	Боғот			3	
2	Гурлан		250		
3	Қўшкўприк		378		

Т/р	Туманлар номи	Давлат сув хўжалиги объектлари			
		каналлар, км	коллектор-дренаж тармоқлари, км	насос станциялари, та	вертикал суғориш қудуқлари, та
4	Урганч			2	
5	Хазорасп		234		
6	Ҳонқа		253		
7	Шовот		372		
8	Янгиарик		165		
9	Янгибозор		213		
10	Тупроққалъа		133		
Жами			1 998	5	

Изоҳ. Асосий кўрсаткичларга хатлов натижалари ва кластерлар билан келишувларга асосан аниқлик киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил " 12 " декабрдаги 703 -сон қарорига
2-илова

**Агрокластерларга ернинг ижара муддатига мос даврга
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар
ҳокимликларининг қарорига муқофиқ текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида
мақсадли фойдаланиш учун бериладиган ички суғориш
ҳамда коллектор-дренаж тармоқларининг
АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р		Ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари	
		суғориш тармоғи, км	коллектор-дренаж тармоғи, км
1	Қорақалпоғистон Республикаси	4 463	16 058
	<i>вилоятлар:</i>		
2	Андижон	1 140	4 357
3	Бухоро	10 687	4 508
4	Жиззах	917	4 884
5	Қашқадарё	14 424	5 050
6	Навоий	2 423	898
7	Наманган	4 386	3 230
8	Самарқанд	2 123	2 019
9	Сурхондарё	1 484	5 621
10	Сирдарё	1 271	5 858
11	Тошкент	5 770	5 571
12	Фарғона	10 490	9 841
13	Хоразм	798	6 260
	ЖАМИ	60 376	74 153

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил " 12 " декабрдаги 703 -сон қарорига
3-илова

**Агрокластерларга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ернинг ижара муддатига мос даврга
бошқарувга бериладиган давлат ирригация тизими каналларида сув сарфини онлайн мониторинг
қилиш ва масофадан бошқариш тизимини жорий қилиш
ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Туманлар номи	Каналлар номи	Умумий узунлиги, км	Сув ўтказиш қобилияти, м куб/сек	Бириктирилган суғориладиган майдон, га	Ўрнатиладиган қурилмалар сони, та
РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА ЖАМИ			1 903,5		394 253,1	169
Қорақалпоғистон Республикаси						
1	Тахиатош	Кенегес	5,0	7,5	419,2	1
2		Тик озек	15,0	6,0	1 111,0	1
3		Лахали жап	14,6	8,0	2 702,0	
4		Жамал жап	4,0	5,0	524,0	
5		Мусаев	8,4	8,0	935,0	1
6		Майлқ озек жап	3,8	3,0	616,0	1
7		Нурай жап	5,2	2,0	336,0	1
8		Шор жап	11,0	5,0	1 020,0	1
9		Алим жап	2,0	3,0	280,0	1
10		Мамий жап	7,6	3,0	506,0	1
11		Ак жап	5,0	8,0	1 954,0	1
12		Киндик озек	7,4	25,0	2 237,0	1
13		Ак жап	3,0	8,0	1 172,0	1
14		Бирлешик жап	9,0	3,0	470,0	1
15		Тошкент жап	4,0	4,0	190,0	
16		Улкен жап	12,9	4,0	512,0	1

Т/р	Туманлар номи	Каналлар номи	Умумий узунлиги, км	Сув ўтказиш қобилияти, м куб/сек	Бириктирилган суғориладиган майдон, га	Ўрнатиладиган қурилмалар сони, та	
17	Тахиатош	Улкен жап	4,9	4,0	195,0		
18		Улкен жап	8,2	4,0	325,0		
19	Қонликўл	Шериуши	25,0	8,0	2 900,0	1	
20		Қонликўл	17,0	6,0	1 523,0	1	
21		Базарбай	17,0	6,0	1 700,0	2	
22		Нурмухаммедов	13,0	7,0	2 346,0	1	
23	Кўнғирот	Казак жап	22,5	6,0	3 162,2	1	
24		Хан жап	15,6	2,0	237,7		
25		РПЛ Ажинияз	10,1	10,0	3 004,0	5	
26		Бирлик	27,2	15,0	3 854,9	1	
27		Жинишке	9,0	15,0	4 991,7	4	
28		Алим Абат	18,6	45,0	7 672,0		
29		Кокдарё	9,0	40,0	5 821,7	3	
30		Алтинкўл	11,8	80,0	3 193,9		
31		Киндикўзак	15,0	35,0	933,1		
32		Раушан	43,4	40,0	2 650,0		
33		Насос жап (Ажинияз)	1,8	3,5	4 055,7		
34		Р1а	19,0	15,0	1 916,0	1	
35		Чимбой	Майжап	10,0	51,0	6 456,0	2
36			Ўнг майжап	10,0	10,0	2 024,0	1
37	Гоне Кегейли		6,0	3,0	1 032,0	1	
38	Утемурат		6,0	6,5	1 320,0	1	
39	Шохарик		8,0	3,0	830,0	1	
Жами			446,0		77 128,1	39	

Т/р	Туманлар номи	Каналлар номи	Умумий узунлиги, км	Сув ўтказиш қобилияти, м куб/сек	Бириктирилган суғориладиган майдон, га	Ўрнатиладиган қурилмалар сони, та
Андижон вилояти						
1	Андижон	Файзобод	2,3	10,0	1 600,0	1
2		Қатортол	2,9	1,0	3 647,0	1
3		Кўк гумбаз	2,8	0,5	2 586,0	1
4		Тождик	3,1	5,0	1 932,0	1
5		Дармонқул	1,5	1,0	770,0	1
6		Кеч-кеч	1,8	2,0	780,0	1
7	Бўстон	Бобур	1,0	3,0	488,0	1
8		Улуғбек	5,5	1,5	337,0	1
9	Избоскан	Элатан	2,5	0,5	386,0	1
10	Қўрғонтепа	Тўрткўл	2,0	4,0	1 346,0	1
11		Ишкол	1,5	1,5	1 687,0	1
12		Дардоқ	2,0	1,0	5 512,0	1
13		Дехқончек	1,0	2,0	730,0	1
14	Марҳамат	МК-1 Орзу	2,2	1,5	762,0	1
15		МК Туямўйин-2	6,4	0,7	452,0	1
16	Улуғнор	Такалли-1	1,2	1,5	506,0	1
17	Хўжаобод	Коронғилик	9,0	2,0	170,0	1
18		Дилкушод	6,0	6,0	580,0	1
19		Робдон	8,8	4,0	270,0	1
20		Айритом	28,0	2,0	1 150,0	1
21		Симариқ	5,4	1,0	300,0	1
22		Канда	4,8	2,0	120,0	1
23		Балиқчилик	5,8	3,5	550,0	1
24		Боғдорчилик	4,5	3,0	450,0	1
25		Ордай	6,4	3,0	460,0	1
26		Робдон 1	4,1	1,0	430,0	1
27		Ўзбекистон (К-1)	4,3	5,0	390,0	1
28		Қурама	1,2	3,0	1 390,0	1
29		Қурама-1	3,5	1,0	720,0	1
30		Қурама-2	5,7	1,0	680,0	1

Т/р	Туманлар номи	Каналлар номи	Умумий узунлиги, км	Сув ўтказиш қобилияти, м куб/сек	Бириктирилган суғориладиган майдон, га	Ўрнатиладиган қурилмалар сони, та
31	Хўжабод	Марказий	3,4	1,0	150,0	1
32		Хўжабод	3,2	1,0	1 300,0	1
33		Завроқ-1	4,7	3,0	1 050,0	1
34		Завроқ-2	5,4	1,0	90,0	1
35		Қоратайт	5,7	3,0	1 310,0	1
36		Заурак ГЭС	1,7	2,0	700,0	1
37	Шаҳрихон	Дўлан	3,3	2,0	1 414,0	1
38		Тўқай тумор	6,6	0,5	861,0	1
39		Пахта учун	3,6	0,8	478,0	1
40		Саховат	3,4	0,2	493,0	1
41		Қалмоқ-1	1,1	1,8	323,0	1
42		Маслаҳат	2,5	1,0	987,0	1
Жами			181,8		40 337,0	42
Бухоро вилояти						
1	Вобкент	Эски Элач	8,1	6,0	2 307,0	2
2		Коми Чарх	8,3	2,0	1 325,0	2
3		Коми ака	8,3	7,0	1 856,0	1
4		Мирсулаймон	7,0	0,7	765,0	1
5		Кукун	8,5	1,5	811,0	
6		Рохкент	3,5	2,1	655,0	1
7		Хаживон	5,2	0,5	933,0	2
8		Қипчоқ	5,8	0,2	781,0	
9		Ширин	12,0	2,0	585,0	1
10		Бекниёзов	4,0	4,5	525,0	1
11		Говуздувон	4,0	0,4	718,0	1
12		Коми касаба	20,0	6,0	1 958,0	1
13		Хармана	9,0	4,5	1 801,0	1
14		Камзар	13,1	5,0	2 058,0	1
15		Янги Элач	7,2	5,5	565,0	2
16		Уба	1,2	1,5	89,0	1
17		Халач	6,6	1,5	554,0	1

Т/р	Туманлар номи	Каналлар номи	Умумий узунлиги, км	Сув ўтказиш қобилияти, м куб/сек	Бириктирилган суғориладиган майдон, га	Ўрнатиладиган қурилмалар сони, та
18	Вобкент	Паноб	11,1	3,0	280,0	1
19		Хўжа	7,0	0,5	958,0	
20		Бодомча	9,0	2,0	853,0	1
21		Фаровез	8,6	2,5	1 416,0	1
22		Р.Хусенов	10,0	3,0	1 758,0	2
23		Ниўгон	5,0	2,0	1 219,0	1
24	Олот	Тайкир-2	13,0	3,5	4 190,0	2
25		Ғорибек	6,6	2,0	991,0	1
26		Бахт	14,5	5,0	2 116,0	2
27		Қуйи Тайкир	11,1	8,3	2 275,0	1
28		Сари бозор	7,1	6,5	2 298,0	1
29	Ғиждувон	Деҳқонобод	7,8	0,6	4 283,0	1
30		Янги Сайинкал	2,9	3,2	2 703,0	2
31		Эски Сайинкал	3,4	1,1	1 182,0	2
32		Кесакли	5,0	2,0	1 483,0	1
33		Калканкут 1	7,4	12,0	1 967,0	2
34		Пермаст	11,9	6,0	3 404,0	2
35		Султонобод	5,9	30,0	3 393,0	2
36		Мазраган	10,1	4,5	2 480,0	1
37		Чукурак	1,6	0,8	410,0	1
38		Наматгарон	1,8	0,8	256,0	2
39		Рохатон 1	1,6	0,2	710,0	1
40		Рохатон 2	1,6	0,2	980,0	2
41		Хасакент	2,0	0,2	935,0	1
42		Уба	1,8	1,2	319,0	1
43		Армечан	1,1	1,0	373,0	2
44		Куччи 1	16,7	4,0	1 967,0	1
45		Куччи 2	15,0	3,0	882,0	1
46		Калконрут 2	5,7	9,0	3 303,0	2
47		Калконрут	2,7	35,0	812,0	2
48		Шўркўл	9,8	3,0	254,0	2

Т/р	Туманлар номи	Каналлар номи	Умумий узунлиги, км	Сув ўтказиш қобилияти, м куб/сек	Бириктирилган суғориладиган майдон, га	Ўрнатиладиган қурилмалар сони, та
49	Ғиждувон	Ғиждувон	14,5	7,0	321,0	2
50		Соктари сув кириш	5,0	12,0	563,0	2
51		Соктари сув кириш (С.Айний)	7,2	12,0	703,0	1
52		Ишшо	4,6	1,0	460,0	
53		Батрак	16,0	5,0	3 508,0	2
54		Ғиждувон 1-2	9,5	7,0	382,0	1
Жами			407,3		74 673,0	71
Жиззах вилояти						
1	Дўстлик	ЮР-18	4,8	16,0	11 560,0	
2		ЮР-18-3	2,5	9,0		
3	Мирзачўл	ПР-8	25,9	17,5	13 869,0	2
4		Р-2	15,8	10,5	851,0	
Жами			49,0		26 280,0	2
Навоий вилояти						
1	Конимех	Мавлон	5,0	3,0	290,0	
2		Чордара	12,0	5,0	1 780,0	
3		Эски руд	6,0	5,0	504,0	
4	Навбахор	Р-1	4,7	2,0	463,0	
5		К-3500	5,8	2,0	584,0	
6		Наукар	12,3	4,0	645,0	
7		Арабсарой	10,0	5,0	796,0	
8		Армижон	6,5	5,0	654,0	
9		Дул-дул	4,1	3,0	425,0	
10		Наукар тўйдирувчи	12,3	2,0	530,0	
11		60 КП	10,7	0,5	235,0	
12		Бешрабат	5,0	1,0		
13	Кармана	Чап қирғоқ	19,2	15,0	3 847,0	
14		Ток гузар	5,8	0,5	658,0	
15		Хоним	9,2	1,5	1 969,0	
16		Касаба Дўрмон	14,5	3,0	3 754,0	
17		Нарпай	9,7	8,0	3 963,0	

Т/р	Туманлар номи	Каналлар номи	Умумий узунлиги, км	Сув ўтказиш қобилияти, м куб/сек	Бириктирилган суғориладиган майдон, га	Ўрнатиладиган қурилмалар сони, та
18		Даш нагорная	12,9	0,6	1 007,0	
19		Хазара	17,5	6,0	2 332,0	
20		Навоий	34,6	15,0	7 529,0	
21	Қизилтепа	Абамуслим	7,6	15,0	2 234,0	
22		Янги-обод	6,3	1,0		
23		Нимкон	2,0	2,0	621,0	
24		Оқ-соч	2,0	2,0	2 404,0	
25		Янги-ариқ	8,8	5,0	2 264,0	
26		Хайробод	1,7	3,0	685,0	
27		Зармитан	6,0	10,0	8 465,0	
28		Малиқобод	13,9	5,0	531,0	
29		Бободўғи	3,0	3,0	1 991,0	
30		Хўжақўрғон	2,0	2,0	1 618,0	
31		Ўртачўл	22,5	23,0	5 492,0	
32		Қарнаб	34,1	10,0	2 202,0	
33		МК-2	7,9	3,0	867,0	
34		МК-3	12,4	5,0	1 102,0	
35		МК-4	5,7	5,0	465,0	
36		МК-1	6,3	3,0	324,0	
37		3-8-К	9,4	1,0	230,0	
38		Шодиобод	3,0	1,0	324,0	
39		Ир-4-1	1,3	0,3	250,0	
40		Рассвет	2,8	0,3	291,0	
Жами			376,4		64 325,0	
Сирдарё вилояти						
1	Сардоба	Жанубий тармоқ-13	5,6	2,0	1 548,0	1
2	Сирдарё	Машканал	26,3	25,0	7 895,0	1
3	Сайхунобод	Ўнг тармоқ-8р-2	5,4	1,7	1 198,1	1
4	Оқолтин	Ўнг тармоқ-1-4	6,0	2,0	2 675,0	1

Т/р	Туманлар номи	Каналлар номи	Умумий узунлиги, км	Сув ўтказиш қобилияти, м куб/сек	Бириктирилган суғориладиган майдон, га	Ўрнатиладиган қурилмалар сони, та
5	Мирзаобод	Дўстлик-3-20а	11,0	1,7	1 399,0	1
6		Дўстлик-9	5,2	3,8	2 410,0	1
7		Дўстлик-9-3-1	2,9	1,4	814,0	1
Жами			62,4		17 939,1	7
Тошкент вилояти						
1	Бўка	Михиенко	2,2	1,0	139,0	
2		Ўнг тармоқ	24,0	16,0	8 217,0	
3		Кулдан чиқиш	2,0	1,0		
4		Тинчлик	2,0	3,0	699,0	
5		Охунбобоев	1,0	0,7	489,0	
6		Дўстлик-5	1,8	0,5	350,0	
7		Рус ариқ	8,0	7,0	5 057,0	
8		Кўк орол-3 (Р-6)	7,8	1,5	688,0	
9		Гижиген	7,2	20,0	4 068,0	
10	Бекобод	Бекобод	15,2	7,5	5 920,4	
11		Хос-яз	13,5	13,0	7 920,9	
12		Далварзин (чап ирмоқ)	22,4	24,0	11 039,0	
13		Далварзин (ўнг ирмоқ)	32,4	14,0	6 778,9	
14		Навбахор-1 (Р-11)	12,5	5,5	5 573,0	
15		Кўк орол-1 (Р-4)	12,0	2,5	1 437,0	
16	Оққўрғон	Қозок ариқ	9,6	550,0	550,0	
17		Шохмалик	10,0	6,0	1 550,0	
18		Тўлди булоқ (Р-7)	20,0	2,5	592,0	
19		Султонобод	3,0	0,2	160,0	
20	Чиноз	Жун	10,2	15,0	9 980,7	
21		РЛ-6 (113)	9,2	2,5	1 329,6	
22		РЛ-7 (115)	11,7	1,2	769,3	8
23		РЛ-8 (121)	4,7	2,5	921,3	
24		РЛ-8 (121)16	4,6	0,8	442,8	
25		Каракулдук	30,8	10,0	5 660,3	
26		Эски Тошкент	18,5	3,0	1 653,4	

Т/р	Туманлар номи	Каналлар номи	Умумий узунлиги, км	Сув ўтказиш қобилияти, м куб/сек	Бириктирилган суғориладиган майдон, га	Ўрнатиладиган қурилмалар сони, та	
27	Чиноз	Яллама	4,8	2,0	253,9		
28		Чиноз ариқ	5,5	2,0	467,8		
29		Кустамбой	0,7	0,1	20,0		
30		Бел ариқ	0,4	2,0	846,2		
31		Р-27	8,9	2,5	2 539,4		
32		Р-17	8,9	0,7	215,0		
33		Агроном ариқ	1,3	0,5	202,0		
34		Р-26 чап	1,2	0,1	37,0		
35		Р-28	3,1	0,3	56,0		
36		Р-29	3,2	0,7	35,0		
37		Р-14 ташлама	3,1	1,2	346,0		
38		Ўргачирчик	Қозон оқди	2,8	2,7	284,0	
39			Хон ариқ	11,8	4,2	1 092,0	
40	А-4 прим		7,3	4,2	2 914,0		
41	Ангар		10,5	1,0	956,0		
42	Оқ тепа		6,5	4,0	837,0		
43	Ганда		4,3	1,5	484,0		
		Жами	380,6		93 570,9	8	

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “12” декабрдаги ~~703~~ сон қарорига
4-илова

Давлат сув хўжалиги объектларини агрокластерларга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ернинг ижара муддатига мос даврга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида бошқарувга бериш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
1	Агрокластерларга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ернинг ижара муддатига мос даврга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида бошқарувга бериладиган мазкур қарорнинг 1-иловасида назарда тутилган давлат сув хўжалиги объектлари ва уларнинг техник ҳолатини хатловдан ўтказиш.	1. Ҳар бир туман бўйича ишчи гуруҳ ташкил қилиш. 2. Ишчи гуруҳлар томонидан кластерларга бошқарувга бериладиган давлат сув хўжалиги объектлари ва уларнинг техник ҳолатини тўлиқ хатловдан ўтказиш. 3. Хатлов натижаларига кўра тегишли далолатномаларни расмийлаштириш.	2022 йил 20 декабрь 2023 йил 20 январь 2023 йил 31 январь	Маблағ талаб этилмайди	Сув хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари, агрокластерлар
2	Агрокластерларга сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик шартлари	1. Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарувга бериладиган сув хўжалиги	2023 йил 5 февраль		Сув хўжалиги вазирлиги,

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
	асосида бошқарувга бериш бўйича рўйхатларни шакллантириш.	<p>объектларини агрокластерлар кесимида рўйхатини шакллантириш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.</p> <p>2. Лойиҳанинг дастлабки босқичида лойиҳа концепцияси ва лойиҳа баҳолаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Лойиҳа концепцияларини Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	Жадвал бўйича	Давлат ва хусусий шерикларнинг маблағлари ҳисобидан	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари, агрокластерлар
3	Сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқарувга бериш бўйича агрокластерлар билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш ҳамда натижаси бўйича тегишли битим лойиҳасини ишлаб чиқиш.	<p>Сув хўжалиги вазирлиги ва агрокластерлар ўртасида тузиладиган битим лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>Битим лойиҳасини жойларга фойдаланиш учун етказиш.</p> <p>Бунда, давлат сув хўжалиги объектларини сақлаш, таъмирлаш-тиклаш, реконструкция ва модернизация қилиш ишларига агрокластерлар маблағининг бир қисмини жалб қилишни назарда тутиш.</p>	2022 йил 25 декабрь	Маблағ талаб этилмайди	Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари
4	Сув хўжалиги объектлари бошқарувини давлат-хусусий	1. Давлат бюджетидан молиялаштириш талаб қилинадиган лойиҳаларга Молия	Белгиланган тартибда		Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги,

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
	шериклик шартлари асосида амалга ошириш.	<p>вазирлигининг тегишли хулосасини олиш.</p> <p>2. Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган лойиҳаларни Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан келишиш.</p> <p>3. Молия вазирлигининг тегишли хулосаси олинб, лойиҳа ҳужжатларини Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан келишилгандан сўнг, агрокластерлар билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш асосида тендер ўтказмасдан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Битимни имзолаш ва ўрнатилган тартибда реестрга киритиш.</p>		Давлат ва хусусий шерикларнинг маблағлари ҳисобидан	Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, агрокластерлар раҳбарлари
5	Давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга берилган давлат сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш юзасидан мониторинг юритиш.	1. Хусусий шериклар билан имзоланган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган мажбуриятларни ўз вақтида бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш.	Йил давомида белгиланган тартибда	Маблағ талаб этилмайди	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, “Ўзбекистон

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		<p>2. Давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга берилган объектлардан фойдаланиш ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида амалга оширилган ишларни белгиланган тартибда мақсадли ўрганиш, натижаларини таҳлил қилиб бориш ҳамда мавжуд муаммолар ечими юзасидан тегишли чоралар кўриш.</p>	<p>Жадвал бўйича</p>		<p>пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, агрокластерлар</p>

